

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

«Гидромелиорация» факультети

«Экология ва сув ресурсларини бошқариш» кафедраси

Химояга рухсат этилсин
«Экология ва СРБ» кафедраси
муdiri А.Салоҳиддин _____
« _____ » _____ 2013 йил.

Бакалавр даражасини олиш учун

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Мавзу: Навоий вилояти Нурота тумани «Темирковок» қишлоғини сув
таъминоти тизимини асослаш.**

Бажарувчи:

Жураев У.

Битирув иши рахбари:

Абдукодирова М

ТОШКЕНТ – 2013 й.

Мундарижа

КИРИШ	4
1 – БОБ. Хўжаликнинг табиий ва иқтисодий шароити хақида маълумот ..	6
1.1. Объектнинг жойлашиши.....	7
1.2. Иқлим шароити.....	7
1.3. Хужалиги ва саноати.	8
2 – БОБ. Сув истемоли хисоби	10
2.1. Хўжаликнинг бош плани	11
2.2. Сув билан таъминланган объектлари.....	11
2.3. Сув истеъмол қилиш меъёрлари.	12
2.4. Сув истемол хисоби.	14
2.5. Ўт учирлида сув таъминоти меъёри.	18
2.6. Сув истеъмоли таркиби.	19
3 – БОБ. Сув таъминоти схемалари	20
3.1. Сув таъминоти манбалари.	21
3.2. Сув таъминотининг 1 схемаси.	21
3.3. Сув таъминотининг 2 схемаси.	23
3.4. Вариантларни техник иқтисодий таққослаш.	24
3.5. Қабул қилинган сув таъминоти схемаси ва иншоотлар таркиби.	25
4 – БОБ. Водопровод ва тозалаш иншоотлар, уларнинг техник хисоби ...	26
4.1. Сув олиш ишоотлари.	27
4.2. Водопровод ва тозалаш иншоотлари хисоби.	31
4.3. Санитария назорат зонасини ташкил қилиниши.	32
4.4. Водопровод тармоғи уни трассалаш ва гидравлик хисоби.	33
4.5. Водород тармоқлари ва сув келтириш қувурларининг материаллари.....	41
5 – БОБ. Сув ресурсларни муҳофаза қилиш тадбирлари	43
5.1. Сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати.	44
5.2. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва уларни салбий таъсирини бартараф қилиш тадбирлари.	45
6 – БОБ. Хаёт фаолияти хавфсизлиги	48

6.1 Хафсизликнинг назрий асослари.....	49
6.2 Мехнат муҳофазаси иш шароитларини яхшилаш.....	51
6.3 Фуқоро муҳофазаси.....	53
6.4 Ёнгин хавфсизлиги	54
6.5 Биринчи тиббий ёрдам.....	56
7 – БОБ. Танлашган сув таминоти тизими бўйича техник иқтисодий кўрсаткичлари.....	60
7.1. Сув таминоти тизими бўйича капитал маблағларини сарфини аниқлаш.....	61
7.2. Эксплуатация харажатлари.	62
7.3. Техник иқтисодий кўрсаткичлари.	65
Адабиётлар.	66
Интернет маълумотлари.....	71

КИРИШ

Бугунги кунда республикаимиз халк хужалигининг турли тармоқларини эҳтиёжларини тула таъминлаш мақсадида хар йили уртача 70 куб км атрофида сув ресурслари ишлатилади. Ушбу миқдордаги талабнинг 56-60 куб км га тенг қисми ер усти сувлари ҳисобига таъминланса қолган қисми ер ости сувлари ҳисобига тугри келади.

Ҳозирги кунда сув муаммоси долзарб муаммога айланмоқда. Сувдан оқилона фойдаланмаслик, яъни ундан мукамал фойдаланмаслик, уни иқтисод қилмаслик, оқова сувларни кўп миқдорда ва охиригача тозаламасдан очиқ ўзанларга ташлаш, охир оқибат мавжуд сув ресурсларимизни камайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун биз бу муаммони хал қилишимиз учун сувдан иложи борича мукамал фойдаланиб, уни ҳуқуқий жиҳатдан химоялашимиз керак.

Ўзбекистон Республикасида сувни тоза сақлашга ва ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш умуман олганда сув ресурслари билан боғлиқ барча муаммолар Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 1993 йил 6 майда қабул қилинган қонунда ўз аксини топди. Қонуннинг 3-моддасида шундай дейилган:

Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки, умуммиллий бойлик ҳисобланади. Сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан кўриқланади.

Шу қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди қуйидагилардан иборат:

1. Дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовуз сувлари
2. Ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир.

Шароитнинг ўзгариши, экологиянинг бузилиши, истеъмолчилар сонининг ошиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунига 2009 йил 25 декабр куни катта

ўзгартиришлар киритилган.

Бу қонундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги «Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларида сув таъминоти ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашнинг кўшимча тадбирлари тўғрисида»ги 405 – сонли қарори Ўзбекистон Республикасида сувга бўлган эътиборнинг кучлилигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзига катта эътибор берилмоқда. Буни яққол далили қилиб биз Президентимиз томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти йили» деб эълон қилинишини келтиришимиз мумкин. «Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти йили» Давлат дастурида қишлоқ аҳолисини турмуш тарзини яхшилаш яъни, уларни сув, газ, электр энергия билан таъминланишини яхшилаш масалалари ҳам киритилди.

Сувга ва сув таъминотига бўлган эътибор нафақат ишлаб чиқилган қонун, қарор ва дастурларда балки шу соҳада фаолият олиб борадиган малакали мутахассислар тайёрлашда ҳам билинади. Ҳозирги пайтда ёш авлодга яъни ёш мутахассисларга катта эътибор берилиб, уларни олий таълим муассасани тугатганидан кейин соҳаси бўйича иш билан таъминлаш, етук мутахассис бўлиб етишига катта имкониятлар яратилмоқда. Ахир Президентимиз Ислоҳ Каримов «Бизнинг фарзандларимиз, биздан ҳам кучлироқ, ақллироқ бўлиб етишишлари керак» деб бежиз айтмаганлар. Чунки ҳозирги кунда экологик муаммолар, сув муаммолари кўпайиб бормоқда ва бу муаммоларни айнан биз, ёш авлод, ўз соҳасининг келажақдаги мутахассислари ечимини топишимиз керак. Бунинг учун эса бизга билим, малака керак бўлади.

Келажақда олган барча билимларимизни, малакамизни амалиётда қўллаб, муаммоларни ечишга кичкина бўлса ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз.

**I– БОБ. Хўжаликнинг табиий ва
иқтисодий шароити ҳақида маълумот.**

1.1. Объектнинг жойлашиши.

Навоий вилоят – Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1982 й. 20 апр.да Бухоро ва қисман Самарканд вилоятлари ҳудудларидан ташкил этилган. 1988 й.да маъмурий бирлик сифатида тугатилиб 1992 йил бошида қайтатикланди. Шимол ва шимолий-шарқдан Қозоғистон, жанубий.-шарқдан Жиззах, Самарканд, жанубдан Қашқадарё, жанубий-ғарбдан Бухоро вилоятлари билан чегарадош. Майдони 111,0 минг км². Аҳолиси 802,3 минг кишига яқин (2003). Навоий вилоят таркибида 8 қишлоқ тумани (Конимех, Навбахор, Навоий, Нурота, Томди, Учқудук, Хатирчи, Қизилтепа, 5 шаҳар (Зарафшон, Қизилтепа, Навоий, Нурота, Учқудук), 8 шаҳарча (Конимех, Лангар, Маликработ, Мурун-тов, Тинчлик, Шалқар, Янгиработ, Ғозғон) ва 53 қишлоқ фукарolari йиғини мавжут (2003). Аҳолисининг кўпчилигини ўзбеклар (63,3%) ташкил этади. Шунингдек, рус (13,5%), қозоқ (11,5%), татар (2,6%), украин (1,4%), қорақалпоқ (1,4%), то-жик (1,3%), озарбайжон (0,9%), белорус (0,2%) ва б. миллат вакиллари яшайди. 1 км² га ўртача 7 киши тўғри келади. Шаҳарликлар — 319,7 минг кишига яқин, қишлоқ аҳолиси — 482,6 минг кишидан зиёд Маркази — Навоий шаҳри. Навоий вилоятнинг ҳудуди табиий шароитига кўра, 3 қисмга бўлинади: вилоятнинг шимолий-ғарбий қисмини Қизил-қум чўли эгаллаган — бу ерда берк ботиклар (Қарақота, Мўлали, Мингбулок), эол қумли текисликлар ва колдик тоғлар (Овмин-затоғ, Етимтоғ, Бў-кантов, Томдитов ва ҳ.к.) бор; жанубий-шарқий қисмини Нурота тоғ тизмаларининг ғарбий қисми паст ва ўртача баландликлардаги тоғлар (Қоратоғ, Октоғ ва бошқалар) ҳамда тоғлараро ботиклар (Нурота ботиғи ва б.) эгаллаган; Зарафшон дарёси воҳасининг ўрта қисмида вилоятнинг пахтачилик зонаси ўрнашган.

1.2. Иқлим шароити.

Навоий вилоятдаги тоғлар, асосан, силур, девон, тошкўмир, бур, палеоген, неоген даврлари жинсларидан тузилган. Текислик ва қумликлар тўртламчи геологик даврдаги комплекс табиий омиллар таъсирида узгарган.

Мурунговда олтин, Овминзатоғ шим.да графит топилган. Вилоятда вольфрам, фосфоритлар, кварц куми, цемент, оҳактошнинг захиралари мавжуд. Навоий вилоятда минерал шифобахш, шўр ва ер ости чукур сув захиралари аниқланган. Чунончи, Том-дибулок, Қаракота, Чингилди атрофларидан топилган сувлардан хужалик-да кенг фойдаланилмоқда. Вилоят сейсмик жиҳатдан 7 балли зилзила зонасига киради. Қизилкум чўли туфайли иклими кескин континентал чўл иклими: ёзи узоқ, куруқ иссик, июлда ўртача т-ра 27,2—29,6°, кумда офтобда харорати 60—70° гача кўтарилади. Январда ўртача харорат— 1,9° дан —0,6° гача. Чўл ва яйловларда, воҳаларда иқлим ўртача. Ёғин, асосан, баҳор ва қишда ёғади. Йиллик ёғин 125—282 мм. Вегетация даври 177—212 кун. Навоий вилоятнинг асосий сув манбаи — Зарафшон дарёси. Зарафшондан Конимех канали чиқарилган. Навоий вилоятни сув билан таъминлашда Куйимозор, Тўдакўл сув омборлари, Конимех каналининг аҳамияти катта. Вилоятнинг шимол ва ғарбий катта қисми Кучма кум барханлари, унда-бунда учрайдиган гилли чўллардан иборат. Астрагал, шувок, шўра, исирик, камиш, зарпечак, саксовул, юлғун, ва бошқалар чўл ўсимликлари усади. Чул тупрокдаридида чиринди кам, оҳак, гипс, эрувчи тузлар куп. Чул усимликлари, айникса, шура, шувок кабилар коракўл кўйлари ва бошқалар моллар учун озука булади.

1.3. Хўжалиги ва саноати.

Хўжалиги. Саноатининг етакчи тармоқлари энергетика, кончилик (олтин ва бошка металлар қазиб олиш), металлургия, кимё, қурилиш материаллари, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати корхоналаридан иборат. Йирик корхоналари: Навоий кон-металлургия конбинати, Навоий иссиқлик электр станцияси, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизилкумцемент», «Элек-тркимё», «Нуротамармар» корхоналари, маҳаллий саноат концерни. Тўкма кон чиқиндиларидан олтин ажратиб олувчи «Зарафшон-Нюмонт» Зарафшон шахрининг умумий кўриниши. Ўзбек-америка кўшма корхонаси самарали фаолият кўрсатяпти. Улардан ташқари

«Агама», «Зериспарк», «Бентонит» ва бошқа қўшма корхоналар ишлаб турибди. Жами 20 дан ортиқ қўшма корхона бор. 730 га яқин кичик корхона, 30 ширкат корхонаси, 10 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Кичик корхоналардан «Иттифок», «Навоий» (қурилиш материаллари ишлаб чиқаради), «Эдэм» корхоналарининг ҳиссаси салмоқлидир. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — пахтачилик, ғаллачилик; шунингдек, боғдорчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан ҳам шуғулланилади. Чорвачилиги кўп тармоқли. 228 минг донадан зиёд қорақўл териси тайёрланади (2003). қорақўл тери тайёрлаш бўйича республикада 1-ўринда туради. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони 9266,2 минг га, ҳайдаладиган ер майд. 111,1 минг га, яйловлар 9137,5 минг га (2003). Барча экин майд. 112,6 минг га, шу жумладан, пахта 39,4 минг га, дон экинлари 42,0 минг га, картошка, сабзавот, полиз экинлари 1,4 минг га ерга экилади. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2,6 минг км коллектор дренаж тармоқлари, 138 зах қочириш қудуғи қурилган. Навоий вилоятда деҳқончилик майдонлари Аму-Бухоро машина канали Навоий, Ўртачўл, Аму, Сумбул, Майна тармоқлари ҳамда Зарафшон дарёсидан сув оладиган Тосс, Шовот, Човли, Ўнг ва Чап қирғоқ, Навкар, Конимех каналлари орқали сув билан таъминланади. 32 йирик сув чиқариш электр насос станциялари ишлаб турибди. Навоий вилоятда 75 ширкат, 4 минг фермер хўжаликлари мавжуд. Вилоят жамоа ва хусусий хўжаликларида 200,0 минг қорамол (шу жумладан, 96,4 минг сигир), 1458 минг қўй ва эчки, 723 минг парранда мавжуд.

Транспорти. Транспорт йулларининг узунлиги — 390,7 км, автомобиль йўлларники — 4,1 минг км (шу жумладан, қаттиқ қопламалиси — 3,3 минг км). Тошкент—Бухоро—Туркманобод, Тошкент-Учкудук—Нукус йўналишларидаги транспорт йулларининг линиялари вилоят ҳудудидан ўтади. Навоий, Зарафшон, Учкудук шаҳарларида замонавий аэропортлар бор. Ҳаво йўллари Навоий шаҳрини Тошкент орқали республика вилоятлари ва 20 дан ортиқ хорижий давлатлар боғлайн боғлайди.

II-БОБ. Сув истеъмоли ҳисоби

2.1 Хўжаликнинг бош плани

Навоий вилояти Нурота тумани Темирковок қишлоғида 4978 киши истиқомат қилади. Аҳолини асосан ўзбеклар ташкил этади.

Аҳолининг яшаш жойлари асосан бир қаватли турар жой биноларидан иборат.

Барча бинолар электр ва телефон тармоқлари билан таъминланган бўлиб, аҳоли ушбу хизматлардан тўла фойдаланмоқда.

Қишлоқда ўрта –мактаб ва амбулатория мавжуд бўлиб аҳоли эҳтиёжини тула – тўқис қондирмоқда.

2.2 Сув билан таъминланган объектлари

Малакавий битирув ишида сув таъминоти объектлари ва асосий сув истеъмолчилари қуйидагиларни ташкил этади:

I. Коммунал маиший соҳа бўйича

1. Аҳоли.

2. Шахсий мол.

а) Қорамол

б) Қўй

в) Парранда

II. Ишлаб чиқариш соҳаси бўйича:

а) Трактор парк

б) Ремонт устахона

III. Чорвачилик соҳаси бўйича

а) Куй фермаси

булардан ташқари соғломлаштириш, маданий-маиший, соғлиқни сақлаш ва хўжаликнинг маъмурий бинолари ҳам асосий сув таъминоти объектлари таркибига киради.

2.3 Сув истеъмоли меъёри

Сув таъминоти системасини лойиҳалашда сув истеъмоли меъёри тушунчасидан фойдаланилади.

Сув истеъмоли меъёри деб бир истеъмолчининг бир сутка давомида истеъмол қиладиган сув миқдорига айтилади.

Бир киши учун сув истеъмоли меъёри биноларнинг ободончилик шароитига қараб ҚМ ва Қ 2.04.02-97 даги, қуйидаги жадвалдан олинади.

1-жадвал

Турар жой қурилиш туманларини ободонлаштириш даражаси	Аҳоли яшайдиган жойларда 1 яшовчи учун ўртача бир кеча-кундуз (йили) солиштирма кўндаланг-ичимлик сув истеъмоли (л/сут.)
<p>Ички сув қувур ва сув оқова (биноларни) билан жиҳозланган биноларни қуриш:</p> <p>1. Марказлаштирилган сув таъминоти билан.</p> <p>2. Ванна ва маҳаллий сув иситкичлар билан сув оқовасиз бинолар қуриш.</p> <p>3. Уй-жой сув тараткич билан сув оқовасиз бинолар қуриш.</p>	<p>230-290</p> <p>150-200</p> <p>95-120</p>

Илова: Агар сувни кўчада ўрнатилган мосламалардан ташиб киритилса ҳар бир киши учун 30 ÷ 50 л/суткани ташкил қилади.

Ҳисобий сув истеъмоли меъёри қуйидаги ифода орқали топилади:

$$N_{\text{хис}} = N_{\text{ўр}} \cdot K_{\text{сут.нот}}$$

бу ерда: $K_{\text{сут}}$ – суткалик нотекислик коэффициенти бўлиб, аҳолининг турмуш тарзи корхоналарининг ишлаш режими, биноларнинг ободончилик шароити ва сув истеъмолининг ҳафта кунлари ҳамда йил фасллари давомида ўзгаришни ҳисобга олади $K_{\text{сут}} = 1,1 \div 1,3$

Транспорт, ремонт ва ҳайвонлар учун сув истеъмоли меъёри ВСН 33-2.2 дан олинади.

Транспорт ремонт:

Шартли ремонт – 1200 ÷ 1300 л/сут

Жорий ремонт – 600 ÷ 700 л/сут

Транспорт воситаларини ювиш.

2-жадвал

Транспорт воситалари тури	Сув истеъмоли меъёри л/сут	
	Кўлда	Механик
Автомобиллар	500	900
Трактор, комбайнлар	350	500

Чорва ҳайвонлари учун сув истеъмоли меъёри қуйидагича:

Соғин сигирлар – 100 л/сут

Бўрдоқи - 70 л/сут

Бузоқ - 20 л/сут

Она чўчка - 60 л/сут

Бўрдоқи чўчка - 15 л/сут

Кўй ва эчки - 10 л/сут

Ишчи отлар - 80 л/сут

Товуқ - 1 л/сут

Ўрдақ - 2 л/сут

Кўча ва кўкаламзорларга сув сепиш меъёри ҚМ ва Қ 2.04.02-97 дан олинади.

Кўча, йўлакларга сув сепиш $0,3 \div 0,5$ л/м² гулзор ва кўкаламзорларга сув сепиш $4 \div 7$ л/м².

Эслатма: Агарда сув сепиладиган майдонлар тўғрисида маълумот етарли бўлмаса, у ҳолда сув сепиш меъёрини ҳар бир киши учун $50 \div 90$ л/сут деб қабул қиламиз.

Қишлоқда ирригация тармоқлари яхши ривожланганлиги учун кўча ва кўкаламзорларни ариқлардан суғорилади.

2.4. Сув истемол хисоби.

Сув истемолини хисобаш учун энг аввало уша қишлоқда қанча аҳоли яшаши, қандан саноат корхоналари саноат корхонаси қандай турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши, чорва моллар сони ва бошқа сув истемолчиларини билишимиз керак.

Суткалик сув истемолини хисоблаш жадвали.

3- жадвал

№	Истемолчиларн оми	Ўлчовбирл иги	Сони	Сувистемолимеъ ёри,	Суткаликсувистем оли	
				л/сут	л/сут	м ³ /сут
1.	Аҳоли	киши	4978	176	876128	876.13
	Шахсийқорамол шу жумладан:					
	а) Қорамол	Бош	2980	60	178800	178.8
	б) Қўй	Дона	9960	10	99600	99.6
	в) Товуқ	Дона	3900	1	3900	3.90
2.	Саноат корхонаси (Пахта тозалаш заводи)					108
3.	Трактор парки	Трактор	13	400	5200	5.2
4.	Ремонт устахонаси	шартли	5	1200	6000	6
5	Чорвачилик фермаси	Бош	20000	10	200000	200
	ЖАМИ:					1477.63

3- жадвал асосида суткалик сув сарфларини соатлар буйича таксимлаб чиқамиз.

Суткалик сув сарфларини соатлар буйича таркатилиши.


4 - жадвал

№	Истеъмолчи лар номи	М ³ %	Суткалик соатлар																							
			0-1	1-2	2-3	3-4	4-5	5-6	6-7	7-8	8-9	9-10	10-11	11-12	12-13	13-14	14-15	15-16	16-17	17-18	18-19	19-20	20-21	21-22	22-23	23-24
1	Аҳоли	1158.43	8.69	8.69	11.58	11.58	34.75	63.71	63.71	40.54	40.54	69.51	98.47	98.47	63.71	69.51	57.92	57.92	40.54	40.54	69.51	69.51	69.51	34.75	23.17	11.58
		100	0.75	0.75	1	1	3	5.5	5.5	3.5	3.5	6	8.5	8.5	5.5	6	5	5	3.5	3.5	6	6	6	3	2	1
2	Саноат корхонаси	108								6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	6.75	
		100								6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	6.25	
3	Трактор парки	5.2							0.52	0.52	0.05	0.05	0.05	0.05	0.52	0.52	0.05	0.05	0.05	0.05	0.05	0.05	0.05	0.05	0.05	
		100							10	10	1	1	1	1	10	10	1	1	1	1	1	1	12	20	20	
4	Ремонт устахонаси	6									0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	0.6	
		100									10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	
5	Чорвачилик фермаси	200					8	8	36	8	14	2	2	8	22	2	2	2	20	36	10	10	10			
		100					4	4	18	4	7	1	1	4	11	1	1	1	10	18	5	5	5			

Жами суткадаги соатлар	1477.63	8.69	8.69	11.58	11.58	42.75	71.71	100.23	55.81	61.95	78.91	107.87	113.87	93.58	79.38	67.32	67.32	67.95	83.95	86.88	87.30	87.30	41.50	29.92	11.58	
	100	0.59	0.59	0.78	0.78	2.89	4.85	6.78	3.78	4.19	5.34	7.30	7.71	6.33	5.37	4.56	4.56	4.60	5.68	5.88	5.91	5.91	2.81	2.02	0.78	
Жами усиб бориш тартиби	1477.63	8.69	17.38	28.96	40.54	83.30	155.01	255.24	311.06	373.01	451.91	559.78	673.65	767.23	846.61	913.93	981.26	1049.20	1133.15	1220.03	1307.33	1394.62	1436.13	1466.04	1477.63	
	100	0.59	1.18	1.96	2.74	5.64	10.49	17.27	21.05	25.24	30.58	37.88	45.59	51.92	57.30	61.85	66.41	71.01	76.69	82.57	88.47	94.38	97.19	99.22	100.00	

Юқоридаги жадвалдан фойдаланиб поғоналик график тузилади. Бу графикларни тузишдан мақсад насосни ишлаш вақтини тўғри белгилашдан иборатдир.

Сув истемолини поғонали графиги.



Сув истемоли хамдан – жадвалдан фойдаланиб энг кўп сув истемол қилинган соатни аниқлаб кейинги жадвалга ёзамиз.

Максимал сув истемоли бўлган соатдаги хисобий сув сарфларини аниқлаш жадвали

5- жадвал

№	Истеъмолчиларноми	Сув истеъмоли	
		мз/соат	л/сек
1	Аҳоли	98.47	27.35
2	Саноаткорхонаси	6.75	1.88
3	Трактор парки	0.05	0.01
4	Ремонт устaxonаси	0.60	0.17
5	Чорвачиликфермаси	8.00	2.22
Жами		113,87	31.63

Максимал сув сарфини жадвал усулидан ташқари ҚМ ва Қ 2.04.02-97 да берилган формулалар ёрдамида ҳам ҳисоблаб топиш мумкин.

Буниг учун қўйидаги формулаларни ҳисоблашимиз лозим.

$$K_{\max\text{соат}} = \alpha_{\max} \cdot \beta_{\max} = 1,3 \cdot 1,45 = 1,88$$

Бу ерда α_{\max} - биноларнинг ободонлашганлик даражасини корхоналарни иш режими ва бошқа коэффицент. α_{\max} - 1,2 – 1,4

β_{\max} - аҳоли сонини этибога олувчи коэффицент

б- жадвал

Аҳоли сони (киши)	0,3	0,5	0,75	1,0	1,5	2,5	4,0	6,0	10,0
β_{\max}	3,0	2,5	2,2	2,0	1,8	1,6	1,5	1,4	1,3

$$K_{\max\text{соат}} = \frac{P_{\max}}{P_{\text{ур.сум}}} = \frac{7,71}{4,17} = 1,84, \quad P_{\text{ур.сум}} = \frac{100}{24} = 4,17$$

$$Q_{\max} = \frac{Q_{\text{сум}}}{24} \cdot K_{\max\text{соат}} = \frac{1477,63}{24} \cdot 1,88 = 115,74 \text{ , м}^3/\text{соат}$$

2.5 Ўт ўчиришда сув таъминоти меъёри.

Ушбу ҳисобда аҳоли пунктида содир бўлиш мумкин бўлган ёнғинни ўчириш усули ва ёнғинни ўчиришга кетадиган сув миқдори аниқланади.

ҚМ ва Қ 2.04.02-97 да ёнғинни водопровод тармоғида ўрнатилган махсус гидрантлар ёрдамида ўчириш тавсия қилинади. Ҳисобда паст босимли ўт ўчириш водопровод системаси қабул қилинади. Ўт ўчириш учун сув манбасининг ўзидан ёки усул техник иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса тоза сув резервуаридан олинади.

$$W_{\text{ўт ўч}} = q_{\text{ўт.ўч}} \cdot n \cdot T \cdot 3,6 = 15 \cdot 1 \cdot 3 \cdot 3,6 = 162 \text{ м}^3$$

Бу ерда: $q_{\text{ўт.ўч}}$ – ўт ўчириш учун зарур бўлган сув меъёри

$$q_{\text{ўт.ўч}} = q_{\text{ички}} + q_{\text{ташқи}} = 5 + 10 = 15 \text{ л/с}$$

Бу ерда: $q_{\text{ички}}$ – ичкаридан ўт ўчириш меъёри биноларнинг сиғимига боғлиқ ҳолда СНиП II-30-76дан олинади.

$Q_{\text{ташки}}$ – ташқаридан ўт ўчириш меъёри бўлиб, ҚМ ва Қ 2.04.02-97 дан аҳоли сони ва биноларнинг қаватига қараб ҳамда ташқаридан ёнғин ўчириш 6 – жадвалнинг иловасига асосланиб 10 л/с оламин.

n – бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлар сони. $n=1$.

T – ёнғин ўчириш учун кескин вақт.

$T = 3$ соат.

2.6 Сув истеъмоли тартиби.

Водопровод системасини лойиҳалаштириладиганда сув истеъмолининг сутка соатлари бўйича тақсимланишини билиш зарурдир. Чунки аҳоли пункти ва ишлаб чиқариш соҳасида сув истеъмоли сутка соатлари бўйича нотекис тақсимланади.

3–жадвал қийматлари ва аҳоли пунктидаги сув истеъмолининг сутка соатлари бўйича тақсимланиш жадвалига асосланиб сув истеъмоли ва тоза сув резервуари соатлар бўйича поғонали графиги ва 4–жадвалга асосланиб, максимал сув истеъмоли соати аниқланади.

Кечкурун соат 1 дан 4 гача сув истеъмоли жуда паст, яъни 1 % гача. Соат 5 дан сув истеъмоли аста – секин ошиб боради. Соат 11 дан 12 гача энг кўп сув истеъмоли кузатилади. Бунда сув истеъмоли 7,71 % ни ташкил қилади.

III. БОБ. Сув таъминоти схемалари

3.1. Сув таъминоти манбалари.

Сув манбаси сифатида Темирковок қишлоғи учун ер ости сувлари танланади. Сувли қатлам шағал тошдан иборат бўлиб қудук чуқурлиги 124,5 м. ер ости сувларидан фойдаланган ҳолда сув таъминоти тизимини 2 варианти кўриб чиқилади.

Қудук солиштирама дебити 3,2 л/с ни ташкил қилган, ер юзидан статик сатҳ 5 м чуқурликда жойлашган. Ёнғин ўчириш учун алоҳида қудук танлаймиз ёки тоза сув резервуарида ёнғин ўчириш учун сув сақланади.

Ер ости сувларининг сифати О'zDst 950:2011 талабларига жавоб беради ва сув манбаи сифатида танланади.

Қуйидаги жадвалда сув манбасининг сув сифати кўрсаткичлари кўрсатилган.


Сув сифати жадвали.

7-жадвал

№	Кўрстакичлар номи	О'zDst 950:2011 бўйича	Манба бўйича
1	Қурук қолдиқ	1000 мг/л	0,35
2	Хлор (Cl)	350	39
3	Сулфатлар (SO ₄)	500	73
4	Темир (Fe)	0,3	-
5	Нитрат (NO ₃)	45,0	16
6	Фтор (F)	1,5	-
7	Водород кўрсаткичи, PH	6,0-9,0	6,8
8	Умумий қаттиқлик	7,0 мг экв/л	5,25 мг экв/л

3.2. Сув таъминотининг I – схемаси.

Сув таъминотининг I схемаси бўйича 2 та кувурли қудук (1 та ишчи 1 та резерв) танланди. Қудуклардан вертикал насос сувни қудукдан тоза сув резервуарига кутариб беради. Тоза сув резервуарини тула хажми мослаштирувчи ва ёнғинни ўчириш хажмидан иборат.



1-кувурли қудуқ.

2-тоза сув резервуар.

3-насос станция.

4-водопровод тармоғи

1. Вертикал насос билан жихозланган кувурли қудуқ.

$$H = 124,5 \text{ м} \quad Q = 1477,63 \text{ м}^3/\text{сут}$$

2. Тоза сув резервуарлари

$$W_1=200\text{м}^3, \quad W_2=600\text{м}^3$$

3. 4 та горизонтал насос ва бактерицид қурилма билан жихозланган НСП.
(Иншоотлар ҳисоби IV бобда берилган).

Водопровод тармоғининг қурилиш қиймати (I схема).

8-жадвал

№	Иншоотлар номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи сумда	
				Солиштира	Умумий
1	Вертикал насос билан жихозланган кувурли қудуқ. H=124,5 м Q=1477,63 м ³ /сут	дона	2	14500	29000
2	Тоза сув резервуари W ₁ =200м ³ W ₂ =600м ³	дона	1	9030	9030
			1	16720	16720
3	4та насос ва бактерицид қурилма билан жихозланган НСП	дона	1	7720·1,4	10808

Σк= 65558сўм

3.3. Сув таъминотининг II – схемаси


Бу схема буйича ёнгинни учуриш учун сув ишчи кувурли кудукдан олинади. Кудукдан олинadиган сув сарфи куйидагича аникланади.

$$q_{\text{хис}} = q_{\text{таш}} + q_{\text{ёнг}} = 17,1 + 15 = 32,1 \text{ л/сек}$$

$$q_{\text{ур}} = \frac{Q_{\text{сут}}}{T_{\text{нс}} \cdot 3,6} = \frac{1477,63}{24 \cdot 3,6} = 17,1 \text{ л/сек}$$

$$S = \frac{q_{\text{хис}}}{q_{\text{сол}}} = \frac{32,1}{3,2} = 10,03 \text{ м}$$

Бу вариант буйича тоза сув резервуарини хажми мослаштирувчи хажмдан иборат. $W_{\text{тула}} = W_{\text{мос}}$



Хисоб китоб натижасида битта 200 м^3 ва битта 150 м^3 тоза сув резервуарлари танланган. (4 бобга қаранг)

Погонали графикка биноан иккинчи кутариш насос станцияси сувни тармоқка кутаради.

Иншоотлар таркиби

1. Вертикал насос билан жиҳозланган кувурли кудук

$$H = 124,5 \text{ м} \quad Q_{\text{сут}} = 1477,63 \text{ м}^3/\text{сут}$$

2. Тоза сув резеруари

$$W_1 = 200 \text{ м}^3 \quad W_2 = 150 \text{ м}^3$$

3. 4 та горизонтал насос ва бактерицид қурилма билан жиҳозланган НС II

Водопровод иншоотларининг қурилиш қиймати (II схема)

9 - жадвал

№	Иншоотлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи, сўм	
				Солиштира	Умумий
1	Вертикал насос билан жихозланган кувурли қудуқ. H=124,5м Q=1477,63 м³/сут	дона	3	14500	43500
2	Тоза сув резервуари W ₁ = 200 м³ W ₂ =150 м³	дона	1	9030	9030
		дона	1	7450	7450
3	4 та горизонтал насос ва бактерицид қурилма билан жихозланган НСП	дона	1	7720x1,4	10808

Σк=70788 сўм.

3.4. Вариантларни техник иқтисодий таққослаш.

Юқорида кўриб чиққан I ва II схемадан иборат икки вариантни техник иқтисодий жиҳатдан таққослаймиз.

Вариантлардан энг арзонини лойиҳалаш учун қабул қиламиз.

Вариантларни таққослаш

10-жадвал

№	Вариантлар	I – схема	II - схема
	Кўрсаткичлар		
1	Капитал маблағлар К (сўм)	65558	70788

Хулоса: Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики I-схемадаги вариантимиз техник иқтисодий жиҳатдан арзон чиқди. Лойиҳалаш учун I-схемани қабул қиламиз.

3.5. Қабул қилинган сув таъминоти схемаси ва иншоотлар таркиби.

Техник иқтисодий жиҳатдан таққослаш натижасида сув таъминотининг I – схемасини қабул қилдик. Бусхемада сув 124,5 метр чуқурликдаги ер ости сувларидан олинади. Ушбу схема куйидаги иншоотлар таркибидан иборат.

1. Вертикал насос билан жихозланган қувурли қудук.

$$H = 124,5 \text{ м} \quad Q = 1477,63 \text{ м}^3/\text{сут}$$

2. 4 та горизонтал насос ва бактерицид қурилма билан жихозланган НСИ.

3. Хажми $W_1 = 600 \text{ м}^3$ ли ва $W_2 = 200 \text{ м}^3$ 2 та тоза сув резервуари

4. Сув ташиш қувурли (пўлат).

$$l = 300 \text{ м} \quad \text{икки ипли} \quad d = 200 \text{ мм.}$$

4. Водопровод тармоғи (пластмасса)

$$L_{\text{умумий}} = 5260 \text{ м.}$$

5. Санитар назорат зонаси $F = 0,8 \text{ га.}$

IV-БОБ. Водопровод лойиҳаси

4.1. Сув олиш ва тозалаш иншоотлари

Қувурли қудук.

Бурғалаш йўли билан ҳосил қилинган вертикал цилиндрик канал қувурли қудук (скважина) дейилади. Қувурли қудук деворлари пўлатдан бўлган қувурлар билан маҳкамланади. Сувли (сув чиқмайдиган) қатламнинг ичига филтрлар (сузгичлар) ўрнатилади. Буларнинг асосий вазифаси – сувни қудукка қабул қилиб олиш ва қудук ичига тоғ жинси заррачалари тушишидан сақлашдир. Қувурли қудукнинг диаметри 100 – 500 мм, баъзан 800 – 1000 мм гача боради.

Қувурли қудуқлар сувли қатлам катта чуқурликда жойлашганда (>50-100 м) қўлланилади. Бу иншоотлар ёрдамида босимли ва босимсиз сувлар олинади.

Тузилиши бўйича мукамал ва мукамал бўлмаган турларга бўлиниши мумкин. Агар қудук сувли қатламини бутунлай кесиб ўтган бўлса бундай қудукни мукамал қудук дейилади, агар сувли қатлам тўла кесиб ўтилмаган бўлса, яъни сувли қатламнинг бир қисмигина кесиб ўтган бўлса – мукамал бўлмаган қудук дейилади.

Қудук қатламлари

11 – жадвал.

№	Қатлам жинси	Қатлам қалинлиги (м)	Қатлам чуқурлиги (м)
1	Соз тупрок	3	3
2	Охактош	24,5	27,5
3	Охактош	3	30,5
4	Кулранг охактош	6,5	37
5	Тук кулранг охактош	19,5	56,5
6	Соз тупрок	12	68,5
7	Оч кулранг охактош	16,5	85
8	Пушти ранг охактош	39,5	124,5

Қувурли қудуқ ҳисоби.

Қидирув ишлари натижасида сувли қатламнинг чуқурлиги ва қалинлиги ўрганилган бўлиши зарур. Ростлаб сув сатҳининг пасайиши миқдори ҳисобланиб қудуқнинг сув сарфи аниқланади.

$$Q = 1477,63 \text{ м}^3/\text{сут}$$

$$\text{ст.с} = \text{ер.с} \pm h = 211 - 5 = 206 \text{ м}$$

$$\text{дин.с} = \text{ст.с} - S = 206 - 5,34 = 200,66 \text{ м}$$

S – сув сатҳини пасайиши

$$S = \frac{Q_{\text{НСИ}}}{Q_{\text{сол}}} = \frac{17,1}{3,2} = 5,34 \text{ м}$$

$Q_{\text{сол}} = 3,2$ солиштирма дебит (л/сек)

$$Q_{\text{НСИ}} = \frac{Q_{\text{сум}}}{T_{\text{НСИ}} \cdot 3,6} = \frac{1477,63}{24 \cdot 3,6} = 17,1 \text{ л/сек}$$

Фильтр ҳисоби

Фильтр тури сувли қатлам жинсига боғлиқ ҳолда ҚМ ва Қ га биноан танланади.

$$F_{\text{талаб}} = \frac{Q_{\text{сум}}}{v_{\text{ур}}} = \frac{1477,63}{139,75} = 10,57 \text{ м}^2$$

$$g_{\text{кыр}} = 65 = 65\sqrt{K\phi} = 65\sqrt{10} = 65 \cdot 2,15 = 139,75 \text{ м/сут}$$

K_{ϕ} – сувли қатлам жинсининг филтрация коэффиценти.

Сувли қатлам тоғ жинсларини филтрация коэффиценти қуйидагича:

- | | |
|--------------------------|-----------|
| 1. Майин кум | 0,5 ÷ 1 |
| 2. Майда донали кум | 2 ÷ 5 |
| 3. Ўрта донали кум | 6 ÷ 15 |
| 4. Катта донали кум | 16 ÷ 30 |
| 5. Шағал | 31 ÷ 70 |
| 6. Майда шағал тош | 71 ÷ 300 |
| 7. Ўрта донали шағал тош | 301 ÷ 500 |
| 8. Тош | > 500 |

Сувли қатлам жинси пушти ранг охактош.

Фильтр тури ҚМҚ 2.04.02-97 4 иловаси 1 жадвалга биноан танланади.

Фильтр тури:

Синч – сизгичлар, ўзакли думалоқ ва ёриксимон тешикли қувурлар, емирилишга қарши қопламли, қалинлиги 4 мм пўлат тунокадан қолипланган сизгичлар.

Филътрни ишчи қисми узунлиги қуйидагича аниқланади.

$$\ell_{\phi} = \frac{F_{\text{малаб}}}{\pi \cdot d_{\phi} \cdot \rho} = \frac{10,57}{3,14 \cdot 0,4 \cdot 0,25} = \frac{10,57}{0,314} = 33,66 \text{ м}$$

$d_{\phi} = 400 \text{ мм}$ - филътр диаметри

$\rho = 0,2 \div 0,25$ - филътр ғоваклиги

$l_{\text{бош}} < 3 \text{ м}$ < 50 м

$l_{\text{бош}} < 5 \text{ м}$ > 50 м

$$l_{\text{тула}} = l_{\text{бош}} + l_{\phi} + l_{\text{тиндиргич}} = 5 + 33,66 + 1 = 39,66 \text{ м.}$$

Насос танлаш

1-вариант: Ёнгин учириш тоза сув резервуарида булган холат

$$q_{\text{нс1}} = \frac{Q_{\text{сут}}}{T_{\text{нс}} \cdot 3,6} = \frac{1477,63}{24 \cdot 3,6} = 17,1 \text{ л/сек}$$

$$Q_{\text{нс1}} = q_{\text{нс1}} \cdot 3,6 = 17,1 \cdot 3,6 = 61,56 \text{ м}^3 / \text{соат}$$

$$\text{ст.с} = \text{ер.с} \pm h = 211 - 5 = 206 \text{ м}$$

$$\text{дин.с} = \text{ст.с} - S = 206 - 5,34 = 200,66 \text{ м}$$

$$S = \frac{Q_{\text{НС1}}}{Q_{\text{сол}}} = \frac{17,1}{3,2} = 5,34 \text{ м}$$

$$\text{ТСР} = \text{ер.с} \pm 0,5 = 211 + 0,5 = 211,5 \text{ м}$$

$$\text{Нтула} = \text{ТСР} - \text{дин.с} + 3 = 211,5 - 200,66 + 3 = 13,84 \text{ м}$$

2-вариант: Ёнгин учириш кудукда булган холат

$$q_{\text{нс1}} = \frac{Q_{\text{сут}}}{T_{\text{нс}} \cdot 3,6} + q_{\text{ён}} = \frac{1477,63}{24 \cdot 3,6} + 15 = 32,1 \text{ л/сек}$$

$$Q_{\text{нс1}} = q_{\text{нс1}} \cdot 3,6 = 32,1 \cdot 3,6 = 115,56 \text{ м}^3 / \text{соат}$$

$$\text{ст.с} = \text{ер.с} \pm h = 211 - 5 = 206 \text{ м}$$

$$\text{дин.с} = \text{ст.с} - S = 206 - 10,03 = 195,97 \text{ м}$$

$$S = \frac{Q_{\text{НС1}}}{Q_{\text{сол}}} = \frac{17,1 + 15}{3,2} = 10,03 \text{ м}$$

$$TSP = ep.c \pm 0,5 = 211 + 0,5 = 211,5 \text{ м}$$

$$H_{\text{тула}} = TSP - \text{дин.с} + 3 = 211,5 - 195,97 + 3 = 18,53 \text{ м}$$

Насослар каталогидан фойдаланган холда ЭЦВ 10-63-65

$$Q = 63 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$H = 65 \text{ м}$$

$$\text{ФИК} = 62\%$$

Бактерицид қурилма ҳисоби.

Бактерицид қурилма ҳисоби қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$F_0 = \frac{q_{\text{соат}} \cdot \alpha \cdot K \cdot \lg \frac{P}{P_0}}{15634 \cdot \eta_p \cdot \eta_0} = \frac{61,56 \cdot 0,1 \cdot 2500 \cdot \lg \frac{1}{1000}}{15634 \cdot 0,9 \cdot 0,9} = \frac{61,56 \cdot 0,1 \cdot 2500 \cdot 3}{1266354} = 36,45 \text{ Вт}$$

Бу ерда: $q_{\text{соат}}$ – тозалаш станцияси қуввати ($\text{м}^3/\text{соат}$).

α – сувнинг бактерицид нур ютиш коэффициентини.

K – нурланаётган бактерияларнинг қаршилиқ коэффициентини

$$K = 2500.$$

η_h – бактерицид нур оқимидан фойдаланиш коэффициентини

$$\eta_h = 0,9 - 0,98.$$

η_0 – бактерицид мосламасининг фойдали иш коэффициентини

$$\eta_0 = 0,9 \div 0,98.$$

Лампалар сонини аниқлаш.

$$n = \frac{F_0}{F} = \frac{36,45}{35} \approx 1 \text{ лампа}$$

Бактерицид қурилмани ОВ-1П-РКС тури танланган.

$$Q = 50 \text{ м}^3/\text{соат}$$

Босими 1,0 МПа

Ўлчамлари 1270 x 325 x 540.

4.2.Водопровод ва тозалаш иншоотлари ҳисоби

Тоза сув резервуарининг ҳисоби

Тоза сув резервуари схемага боғлиқ ҳолда сув сарфини истеъмол тартибига мослаштириш, авария ҳолати ва ўт ўчириш мақсадларида кўзда тутилувчи сув ҳажмлари ҳисобланади.

$$W_{\text{мос}} = \frac{Q_{\text{сут}} \cdot n_{\text{мос}}}{100} = \frac{1477,63 \cdot 22,11}{100} = 326,70 \text{ м}^3$$

$$W_{\text{ўтўчириши}} = (q_{\text{хис}} + q_{\text{ички}} + q_{\text{маши}}) \cdot 3,6 \cdot n \cdot T = (31,63 + 5 + 10) \cdot 3,6 \cdot 1 \cdot 3 = 503,6 \text{ м}^3$$

$$q_{\text{хис}} = q_{\text{мах}} - q_{\text{суғ}} = 31,63 - 0 = 31,63 \text{ л/с}$$

Тоза сув резерворининг умумий ҳажмини аниқлаймиз: (I-схема учун)

$$W_{\text{т.с.р}} = W_{\text{мос}} + W_{\text{ўт.ўч}} = 326,7 + 503,6 = 830,3 \text{ м}^3$$

Тоза сув резерворининг умумий ҳажмига қараб иккит резервуар танлаймиз.

$$W_1 = 600 \text{ м}^3 \text{ ва } W_2 = 200 \text{ м}^3$$

Тоза сув резервуарининг мослаштирувчи ҳажмини аниқлаш жадвали

12-жадвал

Сутка соаглари	НС I сув берилиши %	НС II ни сувни олиши %	Резервуарга сувни келиши %	Резервуардан олиниши %	4 ва 5 каторлар алгебраик йиғиндиси	Резервуардаги сув сарфи
0-1	4.17	0.59	3.58		3.58	10,47
1-2	4.17	0.59	3.58		7.16	14,05
2-3	4.17	0.78	3.39		10.55	17,44
3-4	4.17	0.78	3.39		13.94	20,83
4-5	4.17	2.89	1.28		15.21	22,11
5-6	4.17	4.85		-0.68	14.53	21,43
6-7	4.17	6.78		-2.61	11.92	18,82
7-8	4.17	3.78	0.39		12.31	19,21
8-9	4.17	4.19		-0.02	12.29	19,19
9-10	4.16	5.34		-1.18	11.11	18,01
10-11	4.16	7.30		-3.14	7.97	14,87
11-12	4.16	7.71		-3.55	4.42	11,32
12-13	4.16	6.33		-2.17	2.25	9,15
13-14	4.16	5.37		-1.21	1.03	7,94
14-15	4.16	4.56		-0.40	0.64	7,54
15-16	4.16	4.56		-0.40	0.24	7,14
16-17	4.16	4.60		-0.44	-0.20	6,7
17-18	4.17	5.68		-1.51	-1.71	5,19
18-19	4.17	5.88		-1.71	-3.42	3,48
19-20	4.17	5.91		-1.74	-5.15	1,74
20-21	4.17	5.91		-1.74	-6.89	0
21-22	4.17	2.81	1.36		-5.53	1,36
22-23	4.17	2.02	2.15		-3.39	3,5
23-24	4.17	0.78	3.39		0.00	6,89

4.3. Санитар назорат зонаси ҳисоби.

Санитария назорат зонаси (Озодалиқни сақлаш. Санитария назорат зонаси сув олиш иншоотлари, насос станциялари, тозалаш иншоотлари, тоза сув резервуарлари жойлашган ҳудуддан иборат).

Ер ости манбалари танланганда 1-чи камар (ҳудуд) чегаралари ёлғиз сув олиш иншоотларидан масофалар:

- Ҳимояланган ер ости сувларидан фойдаланганда 30 м деб белгиланган.
- Етарли ҳимояланмаган ер ости сувларидан фойдаланишда 50 м деб белгиланган.
- Оқимга қарама – қарши томони танланганда 200 м деб белгиланган.
- Сув оқими йўналиши бўйлаб 100 м оралиқ масофа деб белгиланган.
- Сув олиш иншооти жойлашган қирғоққа туташувчи томон энг камида 100 м деб белгиланган.
- Қарама – қарши қирғоққа йўналиш сув оқими кенглиги 100 м дан кам бўлса қарама – қарши қирғоқ эни 50 м деб белгиланади.
- Сув оқими кенглиги 100 м дан ортиқ бўлса қарама – қарши қирғоқ оралиқ масофаси 100 м дан кам бўлмаслиги керак.

Сув таъминоти тизимига қарашни бошқа иншоотлардан санитария назорат зонаси чегаралари ҚМ ва Қ га асосан қабул қилинади. Фильтрлардан, резервуарлардан, очиқ тиндиргичлардан 30 м дан кам бўлмаган масофа танланади.

Қолган иншоотлар деворларидан ва босимли сув минораси танасидан 15 м дан кам бўлмаган масофа танланади.

Сув ташиш қувурлари куруқ тупроқларда ётқизилишида диаметри 1000 мм гача бўлганда Санитария назорат чегараси 10 м дан кам эмас, нам тупроқларда диаметрдан қатъий назар санитария назорат зонаси 50 м деб белгиланган.

Менинг лойиҳамда сув манбаи етарли ҳимояланган ва қудуқ ўқидан 30 метр олиш етарли бўлади.

Лойиҳам бўйича санитар назорат зонаси 8080 метр кв яъни 0,8 гани ташкил этади.

4.4. Водород тармоғини трассалаш ва гидравлик ҳисоби.

Тармоқнинг ётқизиш йўналиши танланиб, ҳисоб бўлаклари ва тугунлари аниқланиб, тармоққа сув бериш шакли белгилаб олингандан сўнг унинг гидравлик ҳисобига киришилади. Гидравлик ҳисобининг асосий вазифаси қувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрини ва қувурдаги сув ҳаракати тезлиги йўл қўйилиши мумкин бўлган қийматларидан ошмаган ҳолатида босим сарфини аниқлашдан иборатдир.

Тармоқнинг гидравлик элементларини аниқлаш учун бўлақлардаги ҳисобий сув сарфлари аниқлаб олинади. Тармоққа узатилаётган сув сарфланишига қараб уни текис тарқалган сув сарфи ва алоҳида сув сарфига ажратилади. Текис тарқалган сув сарфини тавсифлаш учун солиштирма сув сарфи тушунчаси киритилади. Солиштирма сув сарфи – бу вақт бирлиги ичида тармоқ узунлик бирлигига тўғри келаётган сув сарфидир (1 п.м.га 1 л/с). Солиштирма сув сарфи текис тарқалган сув сарфини тармоқнинг умумий узунлигига нисбати бўйича аниқланади.

Водопровод тармоғи кўчалардан ўтказилади. Бинолардан (3-4) м масофада ҳамма истеъмолчиларга сув етказиб бериш зарур. Водопровод тармоғи халқасимон кўринишда трассаланади (камида 2 - халқа).

Алоҳида жойлашган истеъмолчилар учун шоҳчалар ўтказилади. Бўлақлар узунлиги 500 – 600 метрдан катта бўлмаслиги лозим.

Сув таъминоти тизимини бош иншоотлари жойлашган ҳудудни чегаралаб санитария назорат зонасини ташкил қилишг зарур. Бош планд водопровод тармоғи йўналиши аниқлангандан сўнг тугунлар ва масофалар схемаси тузилади.

Тугунларда сув сарфини аниқлаш.

$$Q_{\text{сол}} = q_{\text{ахол}} / \sum \ell = 27,35 / 5260 = 0,00519 \text{ л/сек}$$

$$q_{T-T} = q_{\text{ахол}} + q_{\text{суг}}; \quad q_{\text{туз}} = \frac{\sum q_{\text{йул}}}{2}$$

$$Q_{\text{йул}}^{1-2} = q_{\text{сол}} \cdot l_{1-2}$$

Тугунлар	Бўлақлар		Солиштирма сув сарфи $q_{\text{сол}}$ л/сек	Йўлдош сув сарфи $q_{\text{йўлдош}}$	Тугунлар сув сарфи $q_{\text{гур}}$	Йирик сув истеъмолчилари		Умумий тугундаги сув сарфи	
	Белгиси	Узунлиги				Номи	Сув сарфи		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	
1	1-2	500	Q=0,005199	2,59	2,07			2,07	
	2-12	300		1,55					
2	2-1	500		2,59	2,21			2,21	
	2-3	350		1,81					
3	3-2	350		1,81	2,81			2,81	
	3-4	400		2,07					
	3-13	300		1,55					
4	4-3	400		2,07	2,07			2,07	
	4-5	400		2,07					
5	5-4	400		2,07	1,82			1,82	
	5-6	300		1,55					
6	6-5	300		1,55	1,68	Ч.ф.	2,22	3,9	
	6-7	350		1,81					
7	7-6	350	1,81	1,58	Сан.к. Т.п. Р.у.	1,88 0,01 0,17	3,64		
	7-8	260	1,35						
8	8-7	260	1,35	2,11					
	8-9	550	2,85						
9	9-8	550	2,85	3,62			3,62		
	9-10	500	2,59						
	9-13	350	1,81						
10	10-9	500	2,59	2,21			2,21		
	10-11	350	1,81						
11	11-10	350	1,81	1,81			1,81		
	11-12	350	1,81						
12	12-11	350	1,81	1,68			1,68		
	12-1	300	1,55						
13	13-3	300	1,55	1,68			1,68		
	13-9	350	1,81						
					Σ27,35			Σ31,63	

Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисоби.

Максимал хўжалик ҳолати учун гидравлик ҳисобни Лобочёв усулида бажарамиз.

Ҳисоб интерация усулида бажарилади. Лобочёв формулалари билан фойдаланилган ҳолда бўлақларда босим исрофларини аниқлашда

$$h = A \cdot l \cdot q^2$$

A – солиштирма қаршилик қувур диаметри ва матреалига боғлиқ ҳолда (л/сек²).

Тузатма сув сарфи қуйидагича топилади:

$$\Delta q = \pm \Delta h / 2 \cdot \Sigma S \cdot q$$

Гидравлик ҳисоб Лобочёв усулида компьютерда бажарилади.

Тахминий сув сарфларига қараб қувурлар диаметрлари танланади. Диаметрлар махсус жадвалдан танланади. Қувурларнинг материаллини ҳисобга олган ҳолда сув сарфлари (л/сек).

14-жадвал

Қувур диаметри	Қувур материали		
	Пўлат	Чўян	Пластмасса
80	5,2 - 7,3	-	1,4 – 2,4
100	7,3 - 10,6	4,0 – 6,6	2,4- 4,0
125	10,6 - 15,1	6,6 – 10,6	4,0 – 6,4
150	15,1 - 19,8	10,6 – 17,8	6,4 – 12,0
175	19,8 - 26,5	-	-
200	26,5 - 42	17,8 – 32,3	12,0 – 28,3
250	42 - 65	32,3 – 51,8	28,3 – 45,3

Гидравлик ҳисоб ҳисобий схемада ва махсус жадвалда ҳисобланади.

Максимал хўжалик учун водопровод тармоғининг гидравлик ҳисоби.

15-жадвал.

Халқа	Бўлақлар номи	Бўлақ узунлиги (метр)	Диаметри d (мм)	Сув сарфи (q л/сек)	Солиштирма қаршилик A	Тезлик V	Босим исрофи h (метр)	Тузатилган сув сарфи q (л/сек)
I	1-2	500	225	17,75	7,715e-6	0,56	1,43	19,29
	2-3	350	225	15,54	7,715e-6	0,5	0,78	17,07
	3-13	300	125	3	166,7e-6	0,47	1,15	4,81
	13-9	350	100	1,32	311,7e-6	0,31	1,07	3,13
	9-10	500	140	-6,11	91,62e-6	0,59	-0,95	-4,58
	10-11	350	160	-8,32	45,91e-6	0,61	-0,73	-6,79
	11-12	350	160	-10,13	45,91e-6	0,74	-1,18	-8,6
	12-1	300	160	-11,81	45,91e-6	0,86	-1,45	-10,28
							Δh=0,12	Δq=-0,22
II	3-4	400	160	9,73	45,91e-6	0,73	1,64	9,46
	4-5	400	160	7,66	45,91e-6	0,56	1,003	7,38
	5-6	300	140	5,84	91,62e-6	0,56	0,85	5,57
	6-7	350	100	1,94	311,7e-6	0,45	0,3	1,66
	7-8	260	100	-1,7	311,7e-6	0,4	-0,31	-1,98
	8-9	550	125	-3,81	166,7e-6	0,69	-1,52	-4,08
	9-13	350	100	-1,32	311,7e-6	0,31	-1,07	-3,14
	13-3	300	125	-3	166,7e-6	0,47	-1,15	-4,82
							Δh=-0,25	Δq=0,11

Ўрта резервуарли сув бериш схемаси учун бир вақтни ўзида максимал хўжаликка ва ёнғинни ўчириш учун гидравлик ҳисоб

Ёнғин ўчириш ҳолати танланган диаметрни текшириш учун бажарилади. Ҳисобланган ҳисобий сув сарфи ёнғин ўчириш сув сарфига ўзгаради.

$$Q_{\text{хис}} = Q_{\text{таш}} + Q_{\text{ён}}$$

тугунлардаги сув сарфлари 1 – ҳолатдагидек бўлади. Фақат ёнғин ўчириш нуқтада (ЭНГ узоқ ва ЭНГ баланд) тугундаги сув сарфи ёнғин ўчириш сарфига ошади (15 литр).

**Ёнғин ўчириш ҳолати учун водопровод тармоғининг
гидравлик ҳисоби**

16-жадвал.

Халқа	Бўлақлар номи	Бўлақ узунлиги (метр)	Диаметри d (мм)	Сув сарфи (q л/сек)	Солиштирма қаршилик A	Тезлик V	Босим исрофи h (метр)	Тузатилган сув сарфи q (л/сек)
I	1-2	500	225	24,75	7,715e-6	0,8	3,39	29,68
	2-3	350	225	22,54	7,715e-6	0,7	2,03	27,47
	3-13	300	125	3	166,7e-6	0,47	2,7	7,35
	13-9	350	100	1,32	311,7e-6	0,31	3,51	5,67
	9-10	500	140	-14,11	91,62e-6	1,36	-3,85	-9,18
	10-11	350	160	-16,32	45,91e-6	1,46	-2,08	-11,39
	11-12	350	160	-18,13	45,91e-6	1,34	-2,79	-13,2
	12-1	300	160	-19,81	45,91e-6	1,49	-3,04	-14,88
							Δh=-0,14	Δq=0,043
II	3-4	400	160	16,73	45,91e-6	1,27	5,5	17,3
	4-5	400	160	14,66	45,91e-6	1,1	4,26	15,23
	5-6	300	140	12,84	91,62e-6	1,24	4,94	13,41
	6-7	350	100	8,94	311,7e-6	1,4	9,88	9,51
	7-8	260	100	-9,7	311,7e-6	1,49	-6,74	-9,13
	8-9	550	125	-11,81	166,7e-6	1,14	-11,56	-11,64
	9-13	350	100	-1,32	311,7e-6	0,31	-3,51	-5,68
	13-3	300	125	-3	166,7e-6	0,47	-2,7	-7,68
							Δh=0,08	Δq=-0,072

Пластмасса қувурлар учун солиштира қаршиликлар.

d = 75 мм	-	A = 2390	E - 6
d = 90 мм	-	A = 926,8	E - 6
d = 110 мм	-	A = 323,9	E - 6
d = 140 мм	-	A = 91,62	E - 6
d = 160 мм	-	A = 45,91	E - 6
d = 180 мм	-	A = 24,76	E - 6

Сув ташиш қувурларинг гидравлик ҳисоби

Ёнғин ўчириш учун: $V_{рук} = 1,2 \div 1,5$ м/сек

Сув ташиш қувурларининг гидравлик ҳисоби жадвали

17 – жадвал

Сув ташиш қувурларининг номи	Узунлиги	Сув сарфи q л/сек	d мм	1000 i	h, м	v м/сек
1. НС-1 мах-хўжаликка сув бериш	0,3	31,63	250	2,8	0,84	0,64
2. НС-1 ёнғин – ўчириш ва мах-хўжаликка сув бериш	0,3	46,63	250	5,7	1,71	0,93

Гидравлик ҳисоб натижасига асосланиб тугунлардаги эркин босимларни аниқлаймиз.

$$\Delta P_{э.сатх} = \Delta P_{г.сатх} + H_{\min}$$

$$H_{\min} = 14 \text{ метр}$$

Тугунлардаги эркин босимларни ҳисоблаш жадвали

18-жадвал.

Тугунлар	Ер сатҳи	Бўлаклар	Максимал – ҳўжалик ҳолати				Ёнгин ўчириш ҳолати			
			Босим исрофи		Пьезометр ик сатҳ	Эркин босим	Босим исрофи		Пьезометрик сатҳ	Эркин босим
			Ҳисоб	Тузатма а			Ҳисоб	Тузатма		
НС	211				229,35	18,35			250,21	39,21
		НС-1	0,84	0,84				1,71	1,71	
1	210,9				228,51	17,61			248,5	37,6
		1-2	1,43	1,43				3,39	3,39	
2	210,4				227,08	16,68			245,11	34,71
		2-3	0,78	0,78				2,03	2,03	
3	209,7				226,3	16,6			243,08	33,38
		3-4	1,64	1,64				5,5	5,5	
4	209,4				224,66	15,26			237,58	28,18
		4-5	1,0	1,0				4,26	4,26	
5	209,2				223,66	14,46			233,32	24,12
		5-6	0,85	0,85				4,94	4,94	
6	208,8				222,81	14,01			228,38	19,58
		6-7	0,3	0,31				9,88	9,88	
7	208,5				222,5	14			218,5	10
		7-8	-0,31	-0,3				-6,74	-6,74	
8	208,7				222,8	14,1			225,24	16,54
		8-9	-1,52	-1,4				-11,56	-11,53	
9	209,1				224,2	15,1			236,77	27,67
		9-10	-0,95	-0,95				-3,85	-3,84	
10	209,4				225,15	15,75			240,61	31,21
		10-11	-0,73	-0,73				-2,08	-2,06	
11	209,9				225,88	15,98			242,67	32,77
		11-12	-1,18	-1,18				-2,79	-2,79	
12	210,3				227,06	16,76			245,46	35,16
		12-1	-1,45	-1,45				-3,04	-3,04	
1	210,9				228,51	17,61			248,5	37,6
		1-НС	-0,84	-0,84				-1,71	-1,71	
НС	211				229,35	18,35			250,21	39,21
			$\Delta h = -0.14$	$\Delta h = 0$				$\Delta h = -0.06$	$\Delta h = 0$	

Иккинчи сувни кутариш насос станциясининг ҳисоби.

Иккинчи сувни кутариш насос станцияси 4та насос ва бактеридцит курилма билан жихозланган. Иккинчи сувни кутариш насос станцияси сувни тоза сув резервуаридан тармоқка етказиб беради. Насослар сони ва тури погонали сув истеъмоли графигига ва тармогининг гидравлик ҳисобига асосланиб қабул қилинади. Ҳисоблар натижасида 2 та ишчи, 1 та ёнгин ва 1та резерв насослар қабул қилинади.

1-насос

$$Q_1=0,8\% * Q_{\text{сут}}/100=0,8*1477,63/100=11,82 \text{ m}^3/\text{soat}$$

$$H_{\text{тула}}=H_{\text{эрк}}+\sum h_{\text{нн-нс}}+0.1\sum h_{\text{нн-нс}}=14+6,85+0,685=21,53 \text{ m}$$

Nasos markasi: K20/30a

$$Q_1=19,8 \text{ m}^3/\text{coam}$$

$$H=25,8 \text{ m}$$

$$\eta=64 \%$$

2-3 насослар

$$Q_{2,3}=5,1\% * Q_{\text{сут}}/100=5,1*1477,63/100=75,35 \text{ m}^3/\text{soat}$$

$$H_{\text{тула}}=H_{\text{эрк}}+\sum h_{\text{нн-нс}}+0.1\sum h_{\text{нн-нс}}=14+6,85+0,685=21,53 \text{ m}$$

Nasoslar markasi: K90/20

$$Q_{2,3}=90 \text{ m}^3/\text{coamt}$$

$$H=20\text{m}$$

$$\eta=78 \%$$

4-nasos Yong`ini o`chirish uchun.

$$Q_4=15 \text{ l/sek} * 3.6=54 \text{ m}^3/\text{soat}$$

$$H_{\text{тула}}=H_{\text{эрк}}+\sum h_{\text{нн-нс}}+0.1\sum h_{\text{нн-нс}}=10+31,71+3,171=44,88 \text{ m}$$

Nasos markasi: K-80-50-200

$$Q=50 \text{ m}^3/\text{soat}$$

$$H=50 \text{ m}$$

$$\eta=65 \%$$

4.5. Водород тармоқлари ва сув келтириш қувурларининг материаллари.

Темир – ҳар хил диаметр, девор қалинлиги, темир материал маркаси бўйича кўп асартиментда ишлаб чиқилади. Улар юқори мустаҳкам, унчалик оғир бўлмаган оғирликда, пластиклик ва уланишнинг соддалиги учун индустриал монтажларда ишлатилади. Темир қувурларнинг кўпчилиги каррозияга чидамсизлиги чўян ҳамда нометал қувурларига қараганда иш даври кам, ишлатиш даври давомида агар зарур чора тадбирлар кўрилмаса гидравлик қаршилигининг ошишидадир.

Кўпинча темирдан ишлаб чиқарилган темир қувурлар ишлатилади. Чунки улар арзон ва унчалик камёп эмас. Кам углеродли темир қувурлар кўпинча ҳарорат паст бўлган ҳудудларда ишлатилади. Бу темир қувурлар катта асартиментда ишлаб чиқарилади. Кафолат ва ҳарактеристика бўйича механик тузилиши, кимёвий тузилиши ва синов босими ҳар хил бўлади. Темир қувурлар каррозиядан сақлаш учун пассив ва актив усуллардан фойдаланилади. Актив усулда электр ҳимоя усули қўлланилади. Пассив усулда эса қувурларини ташқи ва ички муҳитини изоляциялаш ва махсус модда билан қопланади.

Пўлат қувурлар ГОСТ 10704-76 талабига мувофиқ 16 Атм гача босимга чидамли қилиб, 1600 мм гача диаметр ва деворининг қалинлигига боғлиқ ҳолда

- Резба ва муфта ёрдамида ($d=13.15-165$ мм) бўлганда.
- Бир чокли (сварка) пайвандлаш ёрдамида (165-860 мм) диаметрда.
- Кўп чокли пайвандлаш ёрдамида ($d=800$ мм дан катта бўлганда) уланади.

Пўлат қувурларнинг энг катта камчилиги тупроқнинг каррозион хусусиятига чидамсизлигидадир.

Афзаллиги эса ташқи ва ички босимга чидамлилигидир.

Пўлат қувурлар асосан сув ташиш ҳамда юқори босимли ички водопровод тармоқларида қўлланилади.

Полимер – материаллардан ишлаб чиқарилган қувурлар кўп жиҳатдан метал материаллардан ишлаб чиқарилган қувурлардан фарқ қилади. Улар каррозияга учрамай. Сув ҳаракатидаги ишқаланишда босим исрофи метал

қувурларга караганда 30 % кам. Бу қувурларнинг ички юзасида қатламлар умуман юзага келмайди. Пластмасса қувурлар ГОСТ 18599-72 талаби бўйича ҳарорат 30 градусда катта бўлган шароитлар учун полиэтилендан 630 мм гача диаметрли ва 2.5-10 атм босими ҳамда пластмасса 250 мм гача диаметрли ва 2.5 атм гача босимга мўлжаллаб завод шароитида ишлаб чиқилади.

Бу қувурлар пўлат қувурларга нисбатан 8-10 марта енгилдир. Бундай қувурлар қўлланган ҳолларда ҳам водопровод тугунларини махсус фасон қисмлардан фойдаланган ҳолда жиҳозланади. Бу қувурлар клейлаш ёки эритиб пайвандлаш усулида ёки муфталар ёрдамида уланади. Пластмасса қувурлар қишлоқ жойларни ташқи сув таъминоти ва қишлоқ хўжалиги гуруҳлаш сув таъминотида ишлатилади. Бу қувурларни агрессив тупроқларда ва сейсмик районларда ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Материал ва қувур турини танлашда тармоқ ишлаш шароити, сув ҳарорати, тупроқ агрессивлиги ва қувурларни ишлаш муддатига қараб танланади.

V-БОБ

Сув ресурсларини

муҳофазаси

5.1. Сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати.

Орол денгизи ҳавзасида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларидан фойдаланиш халқ хўжалигининг коммунал - рўзғор хўжалиги сув таъминоти, саноат тармоқлари ва корхоналарида, гидро ва иссиқлик энергетикасида, чорвачилик, паррандачи-лик ва мўйначилик мажмуаларида, яйловларнинг сув таълимотида, суғорма деҳқончиликда, ер ости қазилма бойликларини қазиб олиш саноатида, ҳамда сув таркибидан турли фойдали кимёвий элементларни ажратиб олишда фойдаланилади. Ўрта Осиё мустақил давлатларнинг ва шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг сувга бўлган талаблари йил сайин ошиб бормоқда.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотида кўра йилига Республикада турли мақсадларда 70 млрд. м³ гача сув ишлатилади. Айниқса, умумий суғорма майдоннинг (4,3 млн. га) 55%и турли даражада шўрланган ерлардан иборат эканлиги боис деҳқончилик учун бериладиган сувнинг катта миқдори тупроқнинг шўрини ювишга сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Республикада йил сайин ер ости бойликларидан кенг миқёсда фойдаланиш даражаси ортиб бормоқда. Жумладан, нефт ва газ, олтин, фосфорит, мрамор политал рудалар ва бошқа қазилма бойликларни қазиб олиш асосан каритир, рудник ва шахта усулларида амалга оширилиб, улардан керакмас ер ости сувларини чиқариш маълум даражада ҳал қилинган бўлиб, бу сувлар тўғридан-тўғри ер ости сув объектларига ташланади. Умуман олганда ҳозирги даврда Орол денгизи ҳавзасида ва шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида оқова сувларни бартараф қилиш масаласи тўлиқ ҳал қилинмаган. Республика шаҳарларида канализация шохобчаси билан таъминланганлик даражаси 50%, қишлоқ аҳоли пунктларида эса 25-30% атрофида эканлиги шаклланган катта ҳажмдаги оқова сувларнинг сув муҳитига ташланишига сабаб бўлмоқда.

Орол денгизи ҳавзаси ҳудудида ва шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида келажакда халқ хўжалигининг сувга бўлган талабини қондиришни амалга ошириш учун мавжуд сув ресурсларидан оқилона ва мукамал фойдаланиш ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида сувни

